

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОДИЛ СУДЛОВ АКАДЕМИЯСИДА ТАШҚИ ВА ИЧКИ КОРРУПЦИЯВИЙ ХАВФ-ХАТАРЛАРИ БЎЙИЧА ТАҲЛИЛИЙ МАЪЛУМОТНОМА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 8 июндаги ПФ–106-сон Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясида 2027 йил 1 июнга қадар коррупцияга қарши менежмент тизими бўйича халқаро **ISO 37001** сертификатини жорий этиш вазифаси белгиланган. Ушбу вазифани самарали амалга оширишнинг энг муҳим босқичларидан бири Академия фаолиятида мавжуд ташқи ва ички коррупциявий хавф-хатарларни ҳар томонлама аниқлаш, баҳолаш ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Мазкур таҳлилий маълумотнома Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги миллий қонунчилик ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фармонлари, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан ишлаб чиқилган намунавий ички идоравий ҳужжатлар ҳамда ISO 37001 халқаро стандарти талаблари ва тавсиялари асосида тайёрланди.

Таҳлилни ўтказишда Академиянинг ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, ташкилий тузилмаси, амалдаги бошқарув ва ички назорат тизими, молия-хўжалик фаолияти, давлат харидлари, кадрлар билан ишлаш, қабул жараёнлари, илмий тадқиқотлар, таълим жараёни, халқаро ҳамкорлик, юридик хизмат, шартномавий муносабатлар ҳамда бошқа асосий функционал йўналишлар комплекс тарзда ўрганилди. Шунингдек, коррупциявий хавфларни юзага келтириши мумкин бўлган жараёнлар, инсон омили юқори бўлган босқичлар, қарор қабул қилиш механизмлари ва назорат тартиблари таҳлил қилинди.

Таҳлил жараёнида коррупциявий хавфлар ташқи ва ички омиллар нуқтаи назаридан баҳоланди. Бунда ҳар бир жараён бўйича коррупциявий хавфнинг эҳтимоли, унинг Академия фаолиятига кўрсатиши мумкин бўлган таъсири ҳамда умумий риск даражаси баҳоланиб, мавжуд коррупцияга қарши ҳуқуқий ва ташкилий кафолатлар самарадорлиги ўрганилди. Шу асосда хавфларни минималлаштиришга қаратилган амалий чора-тадбирлар, жумладан комплаенс назоратини кучайтириш, манфаатлар тўқнашувини бошқариш, ички аудитни такомиллаштириш, рақамли назорат воситаларини кенг жорий этиш ҳамда ходимларнинг коррупцияга қарши компетенцияларини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Ушбу таҳлилий маълумотноманинг асосий мақсади Академияда коррупцияга қарши бошқарув тизимининг самарадорлигини баҳолаш, коррупциявий хавф-хатарларни эрта аниқлаш ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини бартараф этиш, очиқлик ва шаффофликни янада кучайтириш, шунингдек ISO 37001 халқаро стандарти талабларига мувофиқ коррупцияга қарши барқарор комплаенс тизимини шакллантириш учун зарур ташкилий ва ҳуқуқий асосларни яратишдан иборат.

Мазкур таҳлилий маълумотнома Академия раҳбарияти томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасида бошқарув қарорларини қабул қилиш, хавфлар реестрини шакллантириш, коррупцияга қарши чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, ички аудит ва мониторинг жараёнларини ташкил этиш ҳамда ISO 37001 халқаро сертификатини олишга тайёргарлик ишларини амалга ошириш учун амалий асос бўлиб хизмат қилади.

I. КАСБИЙ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ КУРСЛАРИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИДАГИ КОРРУПЦИЯВИЙ ХАВФ-ХАТАРЛАР

Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясининг касбий қайта тайёрлаш курсларига қабул қилиш тартибига мувофиқ, қабул жараёни очиқлик, шаффофлик, тенг ҳуқуқлилиқ ва адолатли танлов принциплари асосида ташкил этилади. Қабул қилиш бир неча босқичдан иборат бўлиб, ҳужжатларни қабул қилиш, номзодларни махсус ўрганиш, психологик тест, хорижий тил ва ихтисослик бўйича тест синовлари, ҳуқуқий мавзуда иншо ҳамда суҳбат босқичларини ўз ичига олади.

2026 йил май ойида Академиянинг касбий қайта тайёрлаш курсларига қабул қилиш жараёнида 849 нафар талабгорнинг ҳужжатлари қабул қилиниб, уларнинг барчаси қонунчилиқда белгиланган тартибда махсус текширувдан ўтказиш учун Судьялар олий кенгашининг Суд инспекциясига тақдим этилди. Махсус текширув натижаларига кўра, қабул имтиҳонларида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган талабгорлар рўйхати Судьялар олий кенгаши томонидан эълон қилинади.

Мазкур жараён таҳлили натижасида қуйидаги коррупциявий хавф-хатарлар аниқланди.

1. Ташқи коррупциявий хавф-хатарлар

№ Коррупциявий хавф	Эҳтимол	Таъсир даражаси	Баҳо
Талабгорлар томонидан ҳужжатларда 1 нотўғри ёки сохта маълумотлар тақдим қилиниши	Ўрта	Юқори	Ўртача

№	Коррупциявий хавф	Эхтимол	Таъсир даражаси	Баҳо
2	Махсус текширув натижаларига ташқи таъсир кўрсатишга уринишлар	Паст	Жуда юқори	Ўртача
3	Талабгорлар ёки уларнинг яқинлари томонидан қабул комиссияси аъзоларига таъсир ўтказишга уриниш	Ўрта	Юқори	Ўртача
4	Таниш-билишчилик ёки манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқаришга уриниш	Ўрта	Юқори	Ўртача
5	Апелляция жараёнида комиссия қарорларига ташқи босим ўтказиш эҳтимоли	Паст	Ўрта	Паст

2. Ички коррупциявий хавф-хатарлар

№	Коррупциявий хавф	Эхтимол	Таъсир даражаси	Баҳо
1	Ҳужжатларни қабул қилишда айрим талабгорларга асоссиз имтиёз бериш	Паст	Юқори	Паст
2	Тест материаллари ёки иншо мавзуларининг олдиндан тарқалиши	Паст	Жуда юқори	Ўртача
3	Иншо ва суҳбат натижаларини баҳолашда субъектив ёндашув	Ўрта	Юқори	Ўртача
4	Қабул комиссияси аъзолари манфаатлар тўқнашувини декларация қилмаслиги	Ўрта	Юқори	Ўртача
5	Имтиҳон жараёнида кузатувчилар томонидан назоратнинг етарли даражада амалга оширилмаслиги	Паст	Ўрта	Паст
6	Апелляция комиссияси қарорларини қабул қилишда субъектив ёндашув	Паст	Ўрта	Паст

Амалдаги коррупцияга қарши кафолатлар

Қабул қилиш тартибида коррупциявий хавфларни камайитиришга хизмат қилувчи қатор механизмлар назарда тутилган, жумладан:

- қабул ҳақидаги эълонларни расмий веб-сайтлар ва оммавий ахборот воситалари орқали жойлаштириш;
- номзодларнинг дастлаб Судьялар олий кенгаши томонидан махсус ўрганилиши;
- психологик тестларни шахс кўрсатилмаган ҳолда баҳолаш;
- иншоларни шифрлаш (анонимлаштириш) орқали текшириш;

- тест ва имтиҳон жараёнларини видеотасвирга олиш;
- жамоатчилик ва бошқа идора вакиллари кузатувчи сифатида жалб қилиш имконияти;
- апелляция бериш ҳуқуқининг мавжудлиги;
- қабул натижаларини расмий веб-сайтларда эълон қилиш.

Қўшимча тавсия этиладиган коррупцияга қарши чоралар

ISO 37001:2025 халқаро стандарти талабларидан келиб чиқиб, қабул жараёнида коррупциявий хавфларни янада камайтириш мақсадида қуйидаги чораларни жорий этиш мақсадга мувофиқ:

1. Қабул комиссияси, иншо текширувчилари ва суҳбат комиссияси аъзолари учун манфаатлар тўқнашуви мавжуд эмаслиги тўғрисида декларацияни ҳар бир қабул мавсуми олдида имзолаш амалиётини жорий этиш.
2. Имтиҳон материаллари билан ишловчи шахслар учун махфийлик тўғрисида ёзма мажбуриятни белгилаш.
3. Қабул жараёнида иштирок этувчи барча масъул ходимлар бўйича коррупциявий хавфлар реестрини юритиш.
4. Суҳбат комиссияси аъзолари томонидан қўйилган ҳар бир баллни электрон баҳолаш варақаси орқали асослаш тизимини жорий этиш.
5. Қабул жараёни устидан ички аудит ва комплаенс мониторингини ташкил қилиш.
6. Қабул комиссияси аъзоларини ҳар йили коррупцияга қарши комплаенс ва ISO 37001 бўйича ўқитиш.
7. Қабул жараёни бўйича мурожаатларни қабул қилиш учун махсус ишонч телефони ва электрон мурожаат каналини ташкил этиш ҳамда ҳар бир мурожаат бўйича текширув ўтказиш.
8. Ҳар бир қабул якунлари бўйича коррупциявий хавфларни қайта баҳолаш ва тегишли Хавфлар реестрини янгилаб бориш.

Умумий хулоса

Амалга оширилган таҳлил шуни кўрсатадики, касбий қайта тайёрлаш курсларига қабул қилиш тартибида очиқлик ва шаффофликни таъминлашга қаратилган муҳим ҳуқуқий ва ташкилий механизмлар назарда тутилган. Шу билан бирга, инсон омили иштирок этадиган босқичлар — махсус текширув натижалари, иншо ишларини баҳолаш, оғзаки суҳбат ва апелляция жараёнларида коррупциявий хавфлар тўлиқ истисно этилмайди. Шу муносабат билан мазкур жараёнлар бўйича ISO 37001 талабларига мувофиқ қўшимча комплаенс назорати, манфаатлар тўқнашувини бошқариш, баҳолашнинг рақамли изчиллигини таъминлаш ва доимий мониторинг

тизимини жорий этиш коррупциявий хавфларни янада камайтиришга хизмат қилади.

**II. МАГИСТРАТУРА БОСҚИЧИГА ҚАБУЛ ЖАРАЁНИДА
КОРРУПЦИЯВИЙ ХАВФ-ХАТАРЛАР**

1. Жараённинг умумий тавсифи

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 25 июндаги 327-сон қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ Одил судлов академияси магистратурасига қабул танлов асосида амалга оширилади. Қабул ички ва ташқи абитуриентлар учун алоҳида тартибда ташкил этилади, ҳужжатлар Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали қабул қилинади, қабул комиссияси ташкил этилади, кириш синовлари ўтказилади, апелляция тартиби белгиланади ва қабул натижалари асосида ректор буйруғи чиқарилади.

Ушбу жараён инсон омили иштирок этадиган бир қатор босқичларни ўз ичига олганлиги сабабли коррупциявий хавф-хатарларнинг юзага келиш эҳтимоли мавжуд.

2. Коррупциявий хавф-хатарлар таҳлили

№	Жараён босқичи	Коррупциявий хавф-хатар	Эҳтимол	Таъсир	Риск даражаси
1	Қабул параметрларини белгилаш	Қабул квоталари ёки параметрларини манфаатдор шахслар фойдасига ўзгартиришга уриниш	Паст	Юқори	Ўрта
2	Қабул комиссиясини шакллантириш	Манфаатлар тўқнашувига эга шахсларни комиссияга киритиш	Ўрта	Юқори	Юқори
3	Ҳужжатларни қабул қилиш	Ҳужжатларни асоссиз қабул қилиш ёки рад этиш	Паст	Ўрта	Ўрта
4	Ички абитуриентлар учун тест материалларини тайёрлаш	Имтиҳон саволларини олдиндан ошкор қилиш	Ўрта	Жуда юқори	Юқори
5	Тестларни ташкил қилиш	Абитуриентларга имтиёз яратиш, назоратнинг суғлиги	Ўрта	Юқори	Юқори
6	Тест жараёни	Кўчириш, телефондан фойдаланиш, назоратчилар билан тил бириктириш	Ўрта	Юқори	Юқори

№	Жараён босқичи	Коррупциявий хавф-хатар	Эҳтимол	Таъсир	Риск даражаси
7	Тест натижаларини ҳисоблаш	Баллларни асоссиз ўзгартириш	Паст	Жуда юқори	Юқори
8	Апелляция	Шикоятларни холис кўриб чиқмаслик	Ўрта	Ўрта	Ўрта
9	Қабул бўйича буйруқ чиқариш	Рейтингдан ташқари қабул қилишга ҳаракат	Паст	Жуда юқори	Юқори
10	Тўлов-контракт расмийлаштириш	Тўлов муддатларига нисбатан ноқонуний имтиёз бериш	Паст	Ўрта	Паст

3. Низомда назарда тутилган коррупцияга қарши механизмлар

Қабул қилиш тартибида коррупция хавфларини камайтиришга хизмат қилувчи қатор ҳуқуқий механизмлар назарда тутилган:

- қабул комиссияси ректор буйруғи билан тузилади;
- қабул муддатлари ва имтиҳон дастурлари олдиндан расмий веб-сайтда эълон қилинади;
- ҳужжатлар ЯИДХП орқали қабул қилинади;
- ташқи абитуриентлар учун умумреспублика тартиби қўлланилади;
- тест синовлари ваколатли агентлик томонидан ташкил этилиши мумкин;
- тест саволлари махфий сақланади;
- абитуриент шахсини идентификация қилиш тизими қўлланилади;
- аудиторияларда телефон, китоб ва бошқа воситалардан фойдаланиш тақиқланган;
- тест жараёнида қоидабузарлар четлаштирилади;
- натижалар 24 соат ичида эълон қилинади;
- мустақил Апелляция комиссияси ташкил этилади;
- қабул фақат рейтинг асосида амалга оширилади.

Ушбу чоралар коррупциявий хавфларни муайян даражада пасайтиради, аммо уларнинг самарадорлиги амалий ижрога боғлиқ.

4. Академия учун қўшимча коррупцияга қарши чора-тадбирлар (ISO 37001 нуқтаи назаридан)

Амалдаги Низомдан ташқари қуйидаги чораларни жорий қилиш мақсадга мувофиқ:

1) Манфаатлар тўқнашувини бошқариш

- қабул комиссияси аъзоларидан манфаатлар тўқнашуви мавжуд эмаслиги ҳақида декларация олиш;

• комиссия аъзоларининг қариндошлари танловда иштирок этганда уларни муҳокамадан четлаштириш.

2) Имтиҳон материаллари хавфсизлиги

- тест базасига кириш ҳуқуқини чеклаш;
- ҳар бир кириш ҳолатини электрон журналда қайд қилиш;
- саволлар базасини шифрланган ҳолда сақлаш.

3) Видео кузатув

- тест аудиторияларини тўлиқ видеокузатув билан таъминлаш;
- видеоёзувларни камида 6 ой сақлаш.

4) Қабул комиссияси фаолияти шаффофлиги

- ҳар бир қарор бўйича баённома юритиш;
- овоз бериш натижаларини расмийлаштириш;
- қарорларни электрон архивда сақлаш.

5) Апелляция жараёни

- апелляция йиғилишларини аудио ёки видеога ёзиш;
- мустақил экспертларни жалб қилиш имкониятини назарда тутиш.

6) Коррупция ҳақида хабар бериш

- қабул даври учун алоҳида ишонч телефони ташкил қилиш;
- Telegram-бот орқали мурожаат қабул қилиш;
- аноним мурожаатларни ҳам кўриб чиқиш тартибини белгилаш.

7) Ички аудит

- қабул тугагач, ички аудит хизмати томонидан танлов жараёнини текшириш;
- коррупциявий рисклар бўйича алоҳида ҳисобот тайёрлаш.

5. Рискларни умумий баҳолаш

Риск соҳаси	Баҳолаш
Норматив-ҳуқуқий тартибга солиш	Паст риск
Ҳужжатларни қабул қилиш	Паст риск
Қабул комиссияси фаолияти	Ўрта риск
Тест материалларини тайёрлаш	Юқори риск
Кириш имтиҳонларини ўтказиш	Юқори риск
Натижаларни баҳолаш	Юқори риск
Апелляция	Ўрта риск
Қабул бўйича якуний қарор	Ўрта–юқори риск

Хулоса

Ўтказилган таҳлил шуни кўрсатадики, Академия магистратурасига қабул қилиш тартибида коррупциянинг олдини олишга қаратилган муҳим ҳуқуқий кафолатлар мавжуд. Хусусан, танловнинг очиқлиги, ҳужжатларни электрон қабул қилиш, тест синовларининг белгиланган тартибда ташкил этилиши, натижаларнинг тезкор эълон қилиниши ва апелляция механизмининг мавжудлиги коррупция хавфларини сезиларли даражада чеклайди.

Шу билан бирга, қабул комиссияси фаолияти, имтиҳон материалларини тайёрлаш ва сақлаш, кириш имтиҳонларини ўтказиш ҳамда баҳолаш натижаларини расмийлаштириш босқичлари коррупциявий хавф юқори бўлган жараёнлар ҳисобланади.

Шу боис мазкур йўналишларда ISO 37001 халқаро стандарти талабларига мувофиқ қўшимча ички назорат механизмлари, манфаатлар тўқнашувини бошқариш, видеомониторинг, электрон аудит излари (audit trail) ва доимий ички аудит тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

III. ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР СОҲАСИДАГИ КОРРУПЦИЯВИЙ ХАВФ-ҲАТАРЛАР

Қуйидаги таҳлил Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сон қарорида белгиланган олий таълимдан кейинги таълимни ташкил этиш тартиби ҳамда Академия Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш бўлимининг ҳисоботида келтирилган амалий фаолият натижалари асосида тайёрланди. Ҳисоботга кўра Академияда 5 нафар докторант, 30 нафар таянч докторант ва 142 нафар мустақил изланувчи қабул қилинган, 40 нафар тадқиқотчи диссертация ҳимоя қилган, малакавий имтиҳонлар йўлга қўйилган ҳамда ҳар йили тадқиқотчилар фаолияти мониторинг қилиниб, талабларни бажармаган изланувчилар сафдан чиқарилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 304-сон қарори эса қабул қилиш, илмий раҳбар тайинлаш, мониторинг, ҳисобдорлик ва баҳолаш тартибларини белгилайди.

Одил судлов академиясида олий таълимдан кейинги таълим тизими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сон қарори талаблари асосида ташкил этилган бўлиб, Академияда докторантура, таянч докторантура ва мустақил изланувчилик институти самарали фаолият юритмоқда. Илмий кенгашлар, малакавий имтиҳон комиссиялари ҳамда тадқиқотчилар фаолияти мониторинги тизими йўлга

кўйилгани коррупциявий хавфларни чеклашнинг муҳим институционал асосини яратган.

Шу билан бирга, мазкур соҳа юқори даражада инсон омилига боғлиқ бўлганлиги сабабли айрим ташқи ва ички коррупциявий хавфлар мавжуд.

1. Ташқи коррупциявий хавф-хатарлар

1) Докторантура ва мустақил изланувчиликка қабул жараёнида ташқи таъсир ўтказиш эҳтимоли

Илмий даража олиш истагидаги талабгорлар сони юқори бўлганлиги сабабли айрим шахслар ёки манфаатдор ташкилотлар қабул натижаларига ноқонуний таъсир кўрсатишга ҳаракат қилиши мумкин.

Хавф даражаси: Ўрта.

2) Илмий раҳбар танлаш бўйича манфаатдорлик хавфи

Айрим талабгорлар нуфузли ёки юқори лавозимдаги олимларга бириктирилиш учун шахсий алоқалардан фойдаланишга интилиши мумкин.

Хавф даражаси: Ўрта.

3) Илмий ишларни ташқи экспертлар томонидан баҳолаш жараёни

Тақризчилар, экспертлар ёки ихтисослашган кенгаш аъзоларига ташқи таъсир кўрсатиш эҳтимоли мавжуд.

Хавф даражаси: Ўрта.

4) Илмий мақолалар ва халқаро журналларда нашр этиш билан боғлиқ коррупциявий хавфлар

Айрим ташқи ташкилотлар сохта журналлар ёки ноқонуний хизматлар орқали илмий фаолликни сунъий оширишни таклиф қилиши мумкин.

Хавф даражаси: Ўрта.

5) Илмий грантлар ва халқаро лойиҳаларга жалб этишда манфаатлар тўқнашуви

Халқаро грантлар ёки илмий лойиҳалар иштирокчиларини танлашда шаффофлик етарли таъминланмаса, ташқи манфаатдор гуруҳлар таъсири пайдо бўлиши мумкин.

Хавф даражаси: Паст-ўрта.

2. Ички коррупциявий хавф-хатарлар

1) Қабул ҳужжатларини кўриб чиқиш жараёни

Ҳужжатларни қабул қилиш, текшириш ва талабларга мувофиқлигини баҳолаш жараёнида инсон омили сақланиб қолмоқда.

Хавф даражаси: Ўрта.

2) Илмий раҳбарларни бириктириш

Илмий раҳбарлар юкламасини тақсимлашда ҳолислик таъминланмаса, айрим тадқиқотчиларга асоссиз устунлик берилиши мумкин.

Хавф даражаси: Ўрта.

3) Тадқиқотчиларнинг йиллик ҳисоботларини баҳолаш

Йиллик ҳисоботлар ва индивидуал режалар ижросини баҳолашда субъектив ёндашувга йўл қўйилиши эҳтимоли мавжуд. Шу билан бирга, Академияда мунтазам мониторинг ўтказилиб, талабларни бажармаган 6 нафар мустақил изланувчи сафдан чиқарилгани ҳамда 12 нафари огоҳлантирилгани ички назорат тизими амал қилаётганини кўрсатади.

Хавф даражаси: Паст.

4) Малакавий имтиҳонларни қабул қилиш

Имтиҳон жараёнида баҳолашнинг субъективлиги, айрим талабгорларга имтиёз бериш эҳтимоли сақланиб қолади.

Хавф даражаси: Ўрта.

5) Илмий кенгашларда диссертацияларни кўриб чиқиш

Диссертация муҳокамаси, расмий тақризчиларни белгилаш ёки ҳимояга рухсат бериш босқичларида манфаатлар тўқнашуви юзага келиши мумкин.

Хавф даражаси: Ўрта.

6) Илмий фаолият натижаларини баҳолаш

Монографиялар, дарсликлар, мақолалар ва илмий фаоллик кўрсаткичларини баҳолашда аниқ мезонлар етарлича рақамлаштирилмаган ҳолларда субъектив қарор қабул қилиниши мумкин.

Хавф даражаси: ўрта.

7) Илмий ишларда академик ҳалолликка риоя қилиниши

Одил судлов академиясида Академик ҳалоллик ва этик юксалиш кенгаши ташкил этилиб, фаолият кўрсатмоқда. Академиянинг профессор-ўқитувчилари ва ходимлари тайёрлаган илмий-ўқув адабиётлар (дарслик, ўқув қўлланма, амалий қўлланма, услубий қўлланма, монография ва х.к.) Кенгашда муҳокама қилинмоқда.

Кенгашнинг мақсади Академия номидан чоп этиладиган илмий-ўқув адабиётлар юқори сифатли ва талабларга жавоб берадиган бўлишини таъминлаш, тадқиқотларда бошқа адабиётлардан фойдаланган ҳолда уларни муаллифларини муаллифлик ҳуқуқларини таъминлаш, плагиат ва сохта маълумотлар келтиришни олдини олиш, сунъий интеллектдан чегараланган ҳолда фойдаланишини таъминлашдир.

Академик ҳалоллик ва этик юксалиш кенгашининг 2026 йил 25 июндаги йиғилишида муҳокама қилинган 7та адабиётлардан 4таси камчиликлари борлиги аниқланиб, қайтарилди.

Хавф даражаси: Паст.

3. Академияда коррупциявий хавфларни камайтирувчи омиллар

Амалда қуйидаги механизмлар коррупциявий хавфларни сезиларли даражада чекламоқда:

- қабул жараёнларининг норматив-ҳуқуқий асосда ташкил этилганлиги;
- Олий таълимдан кейинги таълимнинг ягона электрон тизимидан фойдаланилиши;
- илмий кенгашлар ва малакавий имтиҳон комиссиялари фаолиятининг расмий тартибга солинганлиги;
- тадқиқотчиларнинг индивидуал режалари бўйича мунтазам мониторинг ўтказилиши;
- талабларни бажармаган тадқиқотчиларга нисбатан интизомий чоралар қўлланилиши;
- илмий натижаларнинг ОАК талаблари асосида баҳоланиши.

. Коррупциявий хавфларни камайтириш бўйича таклифлар

1. Докторантура ва мустақил изланувчиликка қабул жараёнининг барча босқичларини тўлиқ рақамлаштириш ва инсон иштирокини минималлаштириш.
2. Илмий раҳбарларни автоматлаштирилган рейтинг тизими асосида тақсимлаш амалиётини жорий этиш.
3. Диссертациялар ва малакавий ишлар учун плагиатни текширишнинг мажбурий электрон тизимини қўллаш.
4. Малакавий имтиҳонлар ва илмий семинарларни аудио-видео қайд этиш ҳамда электрон архивини юритиш.
5. Илмий кенгаш аъзолари, илмий раҳбарлар ва экспертлар учун манфаатлар тўқнашувини декларация қилиш амалиётини жорий этиш.
6. Илмий тадқиқотлар бўйича асосий кўрсаткичлар (қабул, мониторинг, ҳимоя, илмий маҳсулотлар) юзасидан очиқ статистик маълумотларни Академия расмий веб-сайтида мунтазам эълон қилиб бориш.
7. ISO 37001 коррупцияга қарши менежмент тизими талабларига мувофиқ мазкур соҳа учун алоҳида коррупциявий рисклар реестри, риск харитаси ва профилактик назорат механизмларини ишлаб чиқиш.

Хулоса

Академиянинг илмий тадқиқотлар соҳасидаги фаолияти амалдаги қонунчилик асосида ташкил этилган бўлиб, ички назорат ва мониторинг тизими шаклланган. Шу билан бирга, қабул жараёни, илмий раҳбар тайинлаш, малакавий имтиҳонлар, диссертацияларни баҳолаш ҳамда академик ҳалолликни таъминлаш соҳалари коррупциявий хавфи нисбатан юқори бўлган жараёнлар ҳисобланади. Ушбу жараёнларни янада рақамлаштириш, шаффофликни ошириш, манфаатлар тўқнашувини бошқариш ва ISO 37001

стандартлари талабларини жорий этиш коррупциявий хавфларни сезиларли даражада камайтириш имконини беради.

IV. СУДЬЯЛИК ЛАВОЗИМЛАРИГА НОМЗОДЛАРНИ КАСБИЙ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА СУДЬЯЛАР ҲАМДА СУД АППАРАТИ ХОДИМЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ЖАРАЁНИДАГИ КОРРУПЦИЯВИЙ ХАВФ-ҲАТАРЛАР

Академиянинг ўқув-услубий бўлими томонидан тақдим этилган маълумотнома мазмунини чуқур таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, Академияда судьялик лавозимларига номзодларни касбий қайта тайёрлаш, судьялар ва суд аппарати ходимларининг малакасини ошириш жараёнлари норматив жиҳатдан анча пухта тартибга солинган. Хусусан, дуал таълим ("назария – амалиёт – имитация"), "виртуал суд", шахсизлантирилган ёзма ишлар, электрон тестлар, автоматик билет танлаш каби механизмлар коррупциявий омилларни камайтиришга хизмат қилади. Бироқ ISO 37001 стандарти нуқтаи назаридан ушбу жараёнларда ҳам муайян ташқи ва ички коррупциявий хавфлар сақланиб қолмоқда.

Умумий баҳолаш

Мазкур йўналиш Академиянинг энг муҳим фаолиятларидан бири ҳисобланади. Чунки ушбу жараёнлар судьяларнинг касбий тайёргарлиги, уларнинг кейинги хизмат фаолияти ва малакасига бевосита таъсир кўрсатади. Шу сабабли баҳолашнинг ҳолислиги ва шаффофлиги Академиянинг обрўси учун стратегик аҳамиятга эга.

1. Ташқи коррупциявий хавфлар

1) Тингловчилар томонидан баҳолаш натижаларига таъсир ўтказишига уриниш

Хавф даражаси: Юқори

Касбий қайта тайёрлаш курслари битирувчилари келгусида судьялик лавозимига тавсия этиладиган шахслар ҳисобланади. Шу сабабли айрим тингловчилар:

- профессор-ўқитувчиларга;
 - имтиҳон комиссияси аъзоларига;
 - баҳолаш жараёнига жалб қилинган масъулларга
- турли шаклларда таъсир ўтказишга ҳаракат қилиши мумкин.

Хавф оқибати:

- баҳолашнинг ҳолислиги бузилиши;
- муносиб номзодлар ҳуқуқининг чекланиши;
- судьялар корпусига муносиб бўлмаган шахсларнинг кириб келиши.

2) Ташқи манфаатдор шахслар аралашуви

Хавф даражаси: Ўртача

Айрим ҳолларда:

- давлат органлари;
- суд тизими раҳбарлари;
- маҳаллий таъсир доирасига эга шахслар;
- қариндошчилик ёки таниш-билишчилик омиллари баҳолаш

натижаларига билвосита таъсир қилишга ҳаракат қилиши мумкин.

3) Қайта имтиҳонларда ноқонуний келишувлар

Хавф даражаси: Ўртача

Низомга кўра тестдан ўта олмаган тингловчига қайта топшириш имконияти берилади.

Ушбу босқичда:

- имтиҳон саволларини олдиндан билиш;
- тест базасига ноқонуний кириш;
- натижаларни ўзгартириш каби хавфлар пайдо бўлиши мумкин.

2. Ички коррупциявий хавфлар

1) Жорий назорат баҳоларида субъективлик

Хавф даражаси: Юқори

Жорий назорат умумий рейтингнинг 40 фоизини ташкил этади. Бу баҳолар профессор-ўқитувчилар томонидан қўйилади. Мазкур жараёнда:

- субъектив муносабат;
- таниш-билишчилик;
- манфаатлар тўқнашуви;
- айрим тингловчиларга имтиёз бериш хавфи сақланиб қолади.

2) Оғзаки имтиҳонларда инсон омили

Хавф даражаси: Юқори

Билетлар автоматик шакллантирилса-да, яқуний баҳони комиссия кўяди. Қуйидаги ҳолатлар коррупция хавфини оширади:

- саволларга турлича ёндашув;
- бир хил жавобларни турлича баҳолаш;
- комиссия аъзоларининг субъектив муносабати.

3) Ёзма ишларни баҳолаш

Хавф даражаси: Ўртача

Маълумотномада ёзма ишлар шахсизлантирилган ҳолда баҳоланиши кўрсатилган. Бу коррупция хавфини сезиларли камайтиради. Бироқ:

- кодларни очиш;
- баҳоларни кейинчалик ўзгартириш;

• электрон маълумотларга ноқонуний кириш имконияти мавжуд бўлиб қолади.

4) Электрон тест базаси хавфсизлиги

Хавф даражаси: Юқори

Электрон тизимда:

- тестларни шакллантириш;
- сақлаш;
- автоматик танлаш;
- натижаларни ҳисоблаш амалга оширилади.

Агар ахборот хавфсизлиги талаблари етарли даражада таъминланмаса:

- тест саволлари тарқалиши;
- натижаларни ўзгартириш;
- электрон журналларга аралашини хавфи юзага келиши мумкин.

5) Тест саволларини шакллантириш жараёни

Хавф даражаси: Ўртача

Тестларни кафедралар тайёрлайди. Бу жараёнда:

- саволларни олдиндан маълум қилиш;
- айрим тингловчилар учун қулай тестлар тузиш;
- тест сифатига таъсир қилиш хавфи мавжуд.

6) Малака ошириш сертификатларини расмийлаштириш

Хавф даражаси: Паст

Сертификатлар тест натижалари асосида берилади. Бирок:

- сертификатларни ноқонуний расмийлаштириш;
- электрон реестрга асоссиз киритиш;
- қоғоз сертификатлардан ноқонуний фойдаланиш эҳтимоли бутунлай истисно қилинмайди.

7) Профессор-ўқитувчилар манфаатлар тўқнашуви

Хавф даражаси: Ўртача

Қуйидаги ҳолатларда коррупция хавфи пайдо бўлади:

- қариндошларни ўқитиш;
- аввалги ҳамкасбларни баҳолаш;
- хизмат бўйича бўйсунув муносабатлари;
- шахсий манфаатдорлик.

Манфаатлар тўқнашувини олдиндан декларация қилиш механизми жорий этилмаса, мазкур хавф сақланиб қолади.

3. Коррупция хавфини камайтирувчи мавжуд механизмлар

Маълумотномада коррупция хавфини пасайтирувчи қатор ижобий механизмлар назарда тутилган:

- электрон тест тизими;
- билетларни автоматик шакллантириш;
- ёзма ишларни шахсизлантириш;
- дуал таълим;
- имитацион суд жараёнлари;
- баҳолашнинг 100 баллик тизими;
- баҳолаш мезонларининг олдиндан белгиланганлиги;
- амалий кўникмаларга асосланган баҳолаш;
- сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш;
- баҳолаш босқичларининг бир неча турга бўлинганлиги.

4. ISO 37001 нуқтаи назаридан тавсия этиладиган чоралар

1. Барча оғзаки имтиҳонларни мажбурий аудио ва видео ёзув асосида ўтказиш.
2. Жорий, оралиқ ва якуний баҳоларнинг ҳар қандай ўзгариши электрон аудит изи (Audit Trail) орқали қайд этилиши.
3. Барча профессор-ўқитувчилар ва комиссия аъзоларидан манфаатлар тўқнашуви декларациясини ҳар бир курс олдида олиш.
4. Тест саволлари банкига кириш ҳуқуқини чеклаш ва кўп босқичли ахборот хавфсизлиги чораларини жорий этиш.
5. Ёзма ишларни икки нафар мустақил эксперт томонидан ("double blind assessment") баҳолаш амалиётини жорий этиш.
6. Имтиҳон жараёнларида Ички хавфсизлик хизмати ва Комплаенс хизмати томонидан танлама мониторинг ўтказиш.
7. Барча сертификатларни QR-кодли электрон реестр орқали текшириш имкониятини яратиш.
8. Баҳолаш жараёни бўйича аноним шикоятлар қабул қилиш учун махсус электрон платформа ташкил этиш.
9. Электрон баҳолаш тизимида киберхавфсизлик аудитини мунтазам ўтказиш.
10. Ҳар ўқув йили якунида баҳолаш жараёнлари бўйича коррупция хавфларини қайта баҳолаш (Risk Assessment Review)ни амалга ошириш.

Хулоса

Таҳлил натижаларига кўра, Академияда судьялик лавозимларига номзодларни касбий қайта тайёрлаш ҳамда судьялар ва суд аппарати ходимларининг малакасини ошириш жараёнлари замонавий, рақамлаштирилган ва шаффоф механизмлар асосида ташкил этилган бўлиб, коррупция хавфини камайтиришга қаратилган бир қатор самарали воситалар жорий этилган. Шу билан бирга, баҳолашнинг инсон омилига боғлиқ

босқичлари, жорий назорат, оғзаки имтиҳонлар, тестлар банкини бошқариш, электрон маълумотлар хавфсизлиги ва манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ жараёнлар ISO 37001 стандарти нуқтаи назаридан юқори эътибор талаб қиладиган коррупциявий хавф зоналари ҳисобланади. Мазкур йўналишларда қўшимча комплаенс назорати, рақамли аудит механизмлари ва мустақил мониторингни кучайтириш Академияда коррупцияга қарши бошқарув тизимининг самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

V.МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК СОҲАСИДАГИ КОРРУПЦИЯВИЙ ХАВФ-ҲАТАРЛАР

Академиянинг молия-хўжалик соҳаси ISO 37001 нуқтаи назаридан коррупциявий хавфи юқори бўлган соҳалардан ҳисобланади. Сабаби мазкур соҳада бюджет маблағларини режалаштириш, давлат харидлари, шартномалар тузиш, товар ва хизматларни қабул қилиш, ҳисоб-китобларни амалга ошириш ҳамда асосий воситаларни бошқариш билан боғлиқ қарорлар қабул қилинади.

Ҳужжатлар таҳлили давлат харидлари асосан электрон платформа орқали амалга оширилаётганини кўрсатса-да, коррупция хавфини тўлиқ бартараф этмайди. Айниқса, техник топшириқларни шакллантириш, эҳтиёжни белгилаш, товарларни қабул қилиш ва шартнома ижросини баҳолаш босқичларида инсон омили сақланиб қолади.

Иловада тақдим этилган ҳужжатлар (2025 йил молиявий харажатлар тўғрисидаги маълумот ва 2025 йил шартномалар реестри) таҳлили шуни кўрсатадики, Академиянинг молия-хўжалик фаолияти асосан меҳнатга ҳақ тўлаш, тингловчиларга стипендиялар, давлат харидлари, ахборот технологиялари, биноларни сақлаш, хизматлар хариди, халқаро тадбирлар ва асосий воситаларни сотиб олиш каби йўналишларни қамраб олган. 2025 йилда жами **40 млрд 448 млн сўм** маблағ сарфланган бўлиб, энг катта улуш иш ҳақи, стипендиялар, давлат харидлари ва моддий-техника таъминотига тўғри келади.

